



**Вилоят ҳокимининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар**

1. Хоразм вилояти ҳокимининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2007 йил 17 июлдаги 144-сон қарори тўғрисида”ги 2007 йил 26 июлдаги 112-сон қарориди:

а) 3-банддаги “Давлат мулки кўмитаси” сўзлари “Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илова (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги Низом)нинг 2-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“2. Ушбу Низом мақсадларида эр-хотиннинг иккиси ҳам ўтгиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказётган ўтгиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл) ёш оила деб эътироф этилади”.

2. Хоразм вилояти ҳокимининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 апрелдаги “Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 124-сон қарори тўғрисидаги” 2012 йил 5 майдаги 115 қ-сон қарори 2-бандининг 4-хатбошидаги “30 ёшгача бўлган” сўзлари “30 ёшдан ошмаган” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Хоразм вилояти ҳокимининг 2014 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги 2014 йил 8 сентябрдаги 250-сон қарори тўғрисида”ги 198-сон қарори иловасидаги “Камолог”нинг кўп квартирали уйларида ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомда:

а) 1-банддаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” сўзлари “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” сўзлари

Вилоят ҳокимининг  
2017 йил « 17 » февралдаги 904 -сон қарорига  
3-илова

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил  
14 февралдаги 75-сон қарори билан  
таъдиқланган

Ўзбекистон Республикаси Хукуматиининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорларни  
рўйхати

билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён қилинсин:  
“ёш оилалар – ушбу Низомга мувофиқ “Қамолоғ”нинг кўп квартиралли  
уйларидан ипотека кредити асосида квартираларни сотиб олиш учун ҳисобга  
кўйиш тўғрисидаги ариза берилган пайтда эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан  
ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказаятган ўттиз ёшдан  
ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан  
ажралган, бева эркак (бева аёл)”.

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон ёшлар ишлари буйича Республика  
кеңгаши ташкил этиш тўғрисида” 1992 йил 4 декабрдаги 568-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон ёшлари ишлари буйича республика  
кеңгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 1993 йил 15 июлдаги 285-сон  
қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентлиги  
ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон ёшлар ишлари буйича  
республика кеңгаши ташкил этиш тўғрисида” 1992 йил 4 декабрдаги 568-сон  
қарорига қисман ўзгартириш киритиш ҳақида” 1993 йил 4 декабрдаги 602-сон  
қарори.

Вилоят ҳокимининг  
2017 йил 17 февралдаги 9СҚ -сон қарорига  
2-илова

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил  
14 февралдаги 75-сон қарори билан  
тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилган  
ўзгартiriшлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2007 йил 17 июлдаги 144-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 7-сон, 39-молда):

а) 3-банддаги “Давлат мулки кўмигаси” сўзлари “Давлат рақобат кўмигаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

• б) илова (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги Низом)нинг 2-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“2. Ушбу Низом мақсадларида эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб voyга етказётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл) ёш оила деб эътироф этилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 апрелдаги 98-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 22-молда) билан тасдиқланган Аҳборот-кугубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом 13-бандининг тўртинчи хатбошидаги “(30 ёшгача)” сўзлари “(30 ёшдан ошмаган)” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёш оилаларни иқтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 30 апрелдаги 124-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 31-молда) 3-бандининг тўртинчи хатбошидаги “30 ёшгача бўлган” сўзлари “30 ёшдан ошмаган” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги 250-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 9-сон, 96-молда) билан тасдиқланган “Қамолот”нинг кўп квартирали уйларида ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомда:

а) 1-банддаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” сўзлари “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Ёш оилалар - ушбу Низомга мувофиқ “Қамолот”нинг кўп квартирали уйларида ипотека кредити асосида квартираларни сотиб олиш учун ҳисобга кўйиш тўғрисида ариза берилган пайтда эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб voyга етказётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл)”.